

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**492** Спирт ва ликёр-ароқ ишлаб чиқариш ходимлари учун  
меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўзгартиришлар ки-  
ритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил  
18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1755-2*

*(2010 йил 28 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 августдаги ПҚ-1396-сон «Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 35-36-сон, 301-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2007 йил 5 ноябрдаги М-45-сон (рўйхат рақами 1755, 2007 йил 27 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон, 546-модда) буйруғи билан тасдиқланган Спирт ва ликёр-ароқ ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларининг 271, 418 ва 502-бандларидаги «Ўзбекистон Республикасида Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» ва «Ўзбекистон Республикасида Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясига» деган сўзлар тегишлича «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекцияси» ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекциясига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ «Ўзвиносаноат-холдинг» Холдинг компанияси, Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ва «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Вазир**

**А. ХАЙТОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 3 декабрь,  
197-Б-сон

**Келишилди:**

*«Ўзвирносаноат-холдинг»  
Холдинг компанияси раиси*

**С. САИДЖАЛОЛОВ**

*2010 йил 25 ноябрь*

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши раиси*

**Д. ЖАҲОНГИРОВА**

*2010 йил 25 ноябрь*

*Соғлиқни сақлаш вазирлиги*

**А. ИКРАМОВ**

*2010 йил 25 ноябрь*

*Давлат архитектура ва  
қурилиш қўмитаси раиси*

**Б. ХОДЖАЕВ**

*2010 йил 25 ноябрь*

*«Саноатгеоконттехназорат»  
давлат инспекцияси бошлиғи*

**Б. ГУЛЯМОВ**

*2010 йил 25 ноябрь*

*«Ўздавэнергоназорат»  
инспекцияси бошлиғи*

**А. НИМАТУЛЛАЕВ**

*2010 йил 25 ноябрь*